

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 20 октябрь, № 223 (8003)

Чоршанба

Сайтимиغا ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТОШКЕНТ ИЛМ-ФАН МАРКАЗИ ВА ЙИРИК МЕГАПОЛИСГА АЙЛАНМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев 19 октябрь куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишди.

Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашув ўтказди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари пойтахтимизнинг Талабалар шаҳарчасида барпо этилган Инновацион ўқув ва ишлаб чиқариш технопаркини бориб кўрди.

Унда учта тизим — таълим, фан ва ишлаб чиқариш уй-ғунаштирилган. Бу ерда талабалар илгор техникаларни кўриб, ишлатиб, “кўзи пишди”. Чизмалардан тайёр маҳсулот ясагача бўлган жараён билан амалда танишиб, малакали мутахассис бўлиб етишади. Мухтасар айтганда, ушбу технопарк “ғоялар генератори” бўлиб хизмат қилади.

Президентимиз бу ерда яратилган шароитларни кўздан кечирди.

Уч қаватли бино робототехника, энергетика, электротехника ва биотехнология бўйича илгор ускуналар билан жиҳозланган. Биринчи қаватда пайвандлаш, электроэрозия, ёғоч ва пластмасга ишлов бериш, стартап

хоналари ҳамда лабораториялар жойлашган. Юқори қаватлардан ўқув ва коворкинг хоналари, робототехника, стандартлаштириш, спорт заллари, маъмурият, кутубхона, офислар ўрин олган.

Давлатимиз раҳбари технопаркда бошқарув компанияси ташкил қилиб, маҳсулотларни сотишни йўлга қўйиш муҳимлигини таъкидлади.

— Беш йил олдин бундай марказларга, лабораторияларга келадиган ёшлар кам эди. Борларнинг ҳам даромади етишмасди. Чунки илмга пул йўқ эди. Энди бу шароитдан, ускуналардан фойдаланиб, ёшларни бозорбоп маҳсулотлар тайёрлаш ва сотишга ўргатиш керак. Улар манфаат кўрса, руҳ пайдо бўлади, ўзини шу соҳага бағишлайди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Техника йўналишидаги олий ўқув юртли талабаларини кўпроқ жалб этиб, амалий сабоқларини шу ерда ўтиш, ўқув дастурларини илгор технологиялардан келиб чиқиб такомиллашти-

риш бўйича кўрсатмалар берилди.

Инновацион технопаркда талабаларнинг амалиёт ўташи бепул, резидентлар учун солиқ имтиёзлари жорий қилинган. Биологик тажрибалар учун иссиқхона барпо этилган.

Давлатимиз раҳбари биотехнология лабораториясида амалга оширилган лойиҳалар билан танишди. Резидентлар томонидан ишлаб чиқарилаётган импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни тарғиб қилиш, уларни ва яна шундай лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш муҳимлиги таъкидланди.

Президент талабалар ва ёш олимлар билан суҳбатлашди. Шу ерда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ҳам мулоқот бўлди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳрининг Яққасарой ва Сергели туманларида қурилган янги йўлни кўздан кечирди.

Пойтахтимиз ҳам иқтисодиёт, ҳам нуфус жиҳатидан ўсиб бормоқда. Сўнгги йилларда шахсий автомобиллар 2-3 баробар кўпайиб, шаҳар кўча-

ларида бир кунда 700 — 800 мингдан зиёд транспорт ҳаракатланмоқда. Яна ярим миллиондан зиёд одам кунига пойтахтимизга келиб кетади. Шу боис йўл инфратузилмаси ҳаёт талабига мос равишда ривожлантириб бориш керак.

Сергели билан Яққасарой туманини боғлайдиган қўшимча йўл жуда керак эди. Бу лойиҳа икки босқичда амалга оширилмоқда. Бугунги кунда Чўпонота кўчасидан Тошкент ҳалқа йўлигача қарийб 2 километрик трасса қуриб битказилган. Унинг Кичик ҳалқа йўли устидан ўтган қисмида 788 метрик трасса қуриб битказилган. Унинг Кичик ҳалқа йўли устидан ўтган қисмида 788 метрик трасса қуриб битказилган. Унинг Кичик ҳалқа йўли устидан ўтган қисмида 788 метрик трасса қуриб битказилган.

Мазкур транспорт иншоотлари бугундан очилди.

Ушбу янги йўл ва кўприклар муҳандислик ечимига кўра жуда қулай. Биринчидан, мазкур янги кўча Тошкентнинг энг йирик транспорт артериялар — кичик ва катта ҳалқа йўллари билан кесишади. Иккинчидан, транспортларнинг

янги кўприкка чиқиши ҳам, ундан тушиши қулай. Ҳеч қандай светофор ёки қайрилиб олишсиз, бошқаларга ҳалақит бермаган ҳолда кейинги йўналишга қўшилиб кетиш мумкин.

Айни пайтда лойиҳанинг иккинчи босқичи доирасида жадал иш олиб боришмоқда. Тошкент ҳалқа йўлидан Кичкоқ кўчасигача бўлган 4 километрдан зиёд йўл қурилмоқда.

Умуман, 6 қаторли мазкур йўл ва кўприклар соатига 12 мингтагача автотранспортни ўтказиш қувватига эга бўлади. Шу тариқа, Сергели туманидан шаҳар марказига етиб бориш вақти олдинги 40 — 50 дақиқа ўрнига 20 дақиқани ташкил қилади. Янги Сергели кўчасидаги тирбандлик икки бараварга қисқаради.

Шу ерда йўлсозлик, ободонлаштириш ва коммунал соҳаларда қўлланиладиган махсус техникалар намоиш этилди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Авобек ХУДОЙҚУЛОВ,
ЎЗА мухбирлари.



Газетамизнинг бугунги сонидан сайловолди ташвиқоти доирасида Халқ демократик партиясида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Мақсуд Ворисованинг Сайловолди дастуридан ўрин олган мамлакат ва жамият тараққиёти ҳамда бошқа устувор йўналишлар бўйича ташаббусларига оид мақола чоп этилмоқда.

Мазкур мақола Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинапти.

2-саҳифага қаранг.

ИСЛОМ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ КУЗАТУВЧИЛАР МИССИЯСИ ЎЗ ИШНИ БОШЛАДИ

Марказий сайлов комиссияси Раиси Зайниддин Низомхўжаевнинг Ислам ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) кузатувчилар миссияси раҳбари Анисул Ҳак билан учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқот давомида миссия аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш доирасида амалга оширилаётган ишлар билан таништирилди.

Таъкидланганидек, сайлов кампанияси тадбирлари Сайлов кодекси талаблари ва демократик принципларга мувофиқ амалга оширилмоқда.

Марказий сайлов комиссияси Раиси ўз сўзида 14 октябрдан мамлакатимизда мuddатидан олдин овоз бериш жараёни бошлангани ва бу 20 октябрнинг якунига қадар давом этишини қайд этди. Шунингдек,

Марказий сайлов комиссияси томонидан халқро кузатувчилар ва ОАВ вакиллари аккредитациядан ўтказиш жараёни тугаганлиги ҳамда шу кунга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашадиган хорижий давлатлар ва халқро ташкилотлардан кузатувчилар сони мингга яқини ташкил қилаётганлиги таъкидланди. Қайд этиш жоизки, Ислам ҳамкорлик ташкилоти сайловлари кузатиш миссиясига ИХТ Бош котибиятининг Халқро муносабатлар департаменти директори Анисул Ҳак бошчилик қилади.

«Халқ сўзи».

ЎЗБЕКИСТОНДА ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ ЯНГИ СИЁСИЙ МУҲИТ ВА ҚОНУНЧИЛИК АСОСИДА ЎТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида санокли кунлар қолмоқда. 24 октябрь куни йўл миллионли ўзбекистонлик сайловчилар ўзларининг конституциявий ҳуқуқларидан эмин-эркин фойдаланган ҳолда давлат раҳбарини сайлашади.

Уларнинг танлови бир томондан, ўтган беш йилда барча соҳада амалга оширилган кенг қўламли ислохотларга бўлган муносабатни акс эттирса, бошқа томондан, мамлакатимизнинг яқин келажакдаги ички ва ташқи сиёсати-

ни, умуман, Ўзбекистоннинг келгуси тараққиёт векторини белгилаб беради. Модомки шундай экан, сайловчилар учун муҳим ва шарафли, шу билан бирга, ўта масъулиятли палла яқинлашмоқда.

➡ 4

Мушоҳада

Божхона таъбир жоиз бўлса, ҳар бир давлатнинг иқтисодий дарвозаси ҳисобланади. Сўнгги йилларда юртимизда бошқа соҳаларда бўлгани каби божхона тизимида ҳам эътиборга молик янгилликлар амалга оширилди. Натижада тизим халқро стандартлар даражасига кўтарилди ва бугун шу асосда изчил фаолият олиб бормоқда.

БОЖХОНА ТИЗИМИ ИСЛОҲОТЛАРИ

тадбиркорлар ва аҳолига қулайликлар яратмоқда

Бу борада, шубҳасиз, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бошқарув органлари фаолияти ҳамда божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш, тадбиркорлик ва туризмни жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратиб келинаётгани ҳал қилувчи аҳамият касб этаётир.

Шу саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми сифатида давлат божхона хизмати органлари фаолияти самардорлигини ошириш, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўлланган ҳолда қулай бизнес муҳитини яратиш чоралари кўриляпти. Шу мақсадда 2017 — 2021 йилларда бир қатор ишлар рўйбга чикарилди.

➡ 3

Янги Ўзбекистоннинг янги тарихи

КЕЛАЖАК ОЛИЙҒОҲЛАРИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Бугунги глобаллашув даврида ҳар жиҳатдан тўқис, тинч-осойишта, фаровон ҳаёт барпо этиш истагидаги инсоният муштарак мақсадлар йўлида бирлашиш учун илм-фанга катта эҳтиёт сезаётгани айни ҳақиқатдир. Президентимизнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” асарида ҳам айни фикрлар ўз ифодасини топгани бежиз эмас: “Ягона мақсадимиз — мактабгача таъ-

лим ва мактаб таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларни ўқитиш Ре-нессансинг тўрт узвий халқасига, боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зейлиларимизни эса Янги Ўзбекистон даврининг тўрт таянч устунига айлантиришдан иборат”.

➡ 4

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлиси бугун — 2021 йил 20 октябрь куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида видеоконференцалоқа тарзида ўз ишини бошлайди.

Ялпи мажлис 20-21 октябрь кунлари ўтказилиши режалаштирилган.

САЙЛОВДА АЁЛЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Куни кеча пойтахтимиздаги Халқро медиахоллда Республика хотин-қизлар жамоатчилиги кенгаши, Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси, Марказий сайлов комиссияси ҳамда “Оқсалиш” умумийлик ҳаракати ҳамкорлигида “Хотин-қизларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатлари ҳамда сайловларда уларнинг фаоллигини оширишнинг долзарб масалалари” мавзусида очик мулоқот ўтказилди.

Очиқ мулоқот

Унда хотин-қизлар сиёсий фаоллиги, хусусан, электрал маданиятини юксалтириш соҳасида парламент, жамоат ташкилотлари, ваколатли давлат органлари, қонун ижодкорлиги субъектлари ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти вакилларининг ўзаро ҳамкорлигида опа-сингилларимизнинг сиёсий онгини юксалтириш, жамиятда уларнинг фаоллигини янада кучайтириш масалалари атрофида кўриб чиқилди.

Тадбирда Олий Мажлис Сенати Раиси, Республика хотин-қизлар жамоатчилиги кенгаши раиси Т. Норбоева иштирок этди ва сўзга чиқди.

Сенат Раиси томонидан таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 50 фоизини ташкил этадиган хотин-қизларнинг барча соҳада самарали меҳнат қилиши, жумладан, сиёсий бошқарув, ижтимоий-иқтисодий ҳаётда фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, сайловларда ҳам аёлларнинг ўрни бекиёс. Шу маънода,

ҳозирги глобаллашув даврида уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда янада мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш давр талабига айланган. Ўзбекистонда аёллар сайлов жараёнларининг барча босқичида фаол қатнашиши учун эркаклар билан тенг шароит яратилганини ҳисобга олиб, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш сиёсатини кучайтириш ҳам долзарбдир.

➡ 3

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида МАҚСАД — НАРХ-НАВО БАҲАРАҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Аҳолини озик-овқат маҳсулотлари, айниқса, гўшт ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлаш, нархлар баҳардорлигини сақлаш бўйича юртимизда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, озик-овқат маҳсулотларининг арзон ва етарлилиги халқ розилигининг асосий омилдир.



Аҳоли эҳтиёжини қорачилик маҳсулотлари билан таъминлаш учун тиббий меъёрлар бўйича 1,5 миллион тонна гўшт талаб этилиб, жорий йилда 1,4 миллион тонна ёки эҳтиёжга нисбатан 93 фоиз гўшт ишлаб чиқариш прогнози белгиланган. Республикада аҳолининг реал талаби ҳамда демографик ҳолатнинг ўзига хослигини инобатга олган ҳолда, йилга қўшимча 100 — 150 минг тонна гўшт маҳсулотлари зарур бўлади. Шу жиҳатдан, жорий йил 1 сентябрь ҳолатига кўра 50,4 минг тонна гўшт маҳсулотлари (ўтган йилдагига нисбатан 64 фоиз кўп) импорт қилинган. Айниқса, қорамол гўштининг импорти ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 70 фоизга ошган.

Таҳлилларга кўра, бугунги кунда импорт қилинган қорамол гўштининг 1 кг. ўртача импорт нархи 37,5 минг сўмини, божхона тўловларидан (1 кг. қорамол гўштира ҚҚС 5 700 сўм) сўнг 43,2 минг сўмини ташкил этмоқда. Бу ҳолат, ўтган бир ойда 1 кг. қорамол гўштининг ўртача қиймати 5 — 7 минг сўмга ошганлигини кўрсатмоқда.

Шу боис аҳолини баҳардор нархларда гўшт билан таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига аҳолини асосий кафолатли таъминлашга қаратилган қўшимча қиритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

➡ 3

Парламент назорати ДАРЁ ЎЗАНИ ЎЗГАРИШИГА КИМ АЙБДОР?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуннинг сув объектларини муҳофаза қилишга оид нормалари талаблари ижросининг Тошкент ва Самарқанд вилоятлари мисолида ўрганиш якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуннинг сув объектларини муҳофаза қилишга оид нормалари талаблари ижросининг Тошкент ва Самарқанд вилоятлари мисолида ўрганиш якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Қайд этилганидек, ўрганишларда мазкур вилоятлар ҳокимликлари томонидан ҳужжатнинг тегишли нормалари ижросини таъминлаш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилгани аниқланди. Хусусан, сув объектларини муҳофаза қилишга доир муносабатлар ушбу қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солиниб келинаётир.

Ушбу вилоятларда 2017 йил 25 сентябрдаги “Сув объект-

ларини муҳофаза қилиш тизими янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори асосида сув объектларида салбий ҳолатларни бартараф этиш мақсадида вилоят ҳокимликларининг тегишли қарорлари қабул қилинган. Уларда дарёлар ўзларини тизимга олиш, қирғоқларини мустаҳкамлаш, қум-шағал қазиб олиш ишларини ноқонуний амалга оширишга йўл қўймаслик бўйича зарур чора-тадбирлар назарда тутилган.

Масалан, Самарқанд вилоятида учта дарё (Зарафшон, Оқдарё ва Қорадарё), 28 та магистраль канал ва коллектор, 11 та сойнинг сувни муҳофаза қилиш зоналари белгиланган. Тошкент вилоятида ҳам учта дарё (Сирдарё, Чирчиқ ва Охангарон), 72 та магистраль канал ва коллектор, 9 та сойнинг сувни муҳофаза қилиш зоналари қонунчилик тартибида белгиланган.

➡ 3

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ САМАРАДОРЛИГИ ЙЎЛИДА ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ КАМПАНИЯСИДА ФАОЛ ҚАТНАШМОҚДА



Мамлакатимизда ўтган йиллар мобайнида миллий сайлов тизимининг изчил ва босқичма-босқич либераллашувини ва умумэтироф этилган халқроқ принцип ва нормаларга тўла мос ҳолда ўтказилишини таъминлайдиган мукамал қонунчилик базаси шаклланди.

Шу ўринда айтиш жоизки, Ўзбекистон Халқ демократик партияси мамлакатимизда ўтказилган барча сайловларда фаол қатнашиб келаётган ягона партиядир. Бўлиб ўтган сайловларда парламентда ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларида партиямиз ўзига хос ўрин ва салоҳиятга эга.

Маълумки, мамлакатимизда янгича сиёсий муҳит яратилди. Сиёсий партияларнинг ўз электорати ва сайловчилари манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш борасидаги имкониятлари йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.

2021 йилда партия учун энг муҳим сиёсий воқеа, бу — 24 октябрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидир.

Партияимиз сайловга тайёргарлик ишларини олиб борар экан, ўзининг сайловда иштирок этиши бўйича 6 та йўналиш ва 44 та банддан иборат чоратadbирлар дастурини ишлаб чиқди.

Тажрибадан маълумки, ҳар қандай сиёсий партия сайлов кампаниясига киришар экан, ўзининг дастурий ғоя ва мақсадларини замон билан ҳамнафас такомиллаштириб боради. Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам ўзининг тажрибасига таяниб навбатдаги сайлов кампаниясига киришар экан, ўзининг ғоявий ва дастурий ҳужжатлари, янги имжи, янгича тарғибот воситалари, усулларини қайта кўриб чиқди.

Партиянинг янги сиёсий рекламиси ва имжини яратиш мақсадида ребрендинг ишлари олиб борилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун Ўзбекистон Халқ демократик партияси номзодининг Сайловолди дастурини ишлаб чиқиш мақсадида сиёсатшунослар, ҳуқуқшунослар, экспертлар, депутатлар, партия фаоллари ва партия фахрийларидан иборат ишчи гуруҳи тuzилди.

Ишчи гуруҳи томонидан номзоднинг Сайловолди дастури лойиҳаси беш маротаба муҳокама қилинди.

Партиянинг навбатдаги сайловда фаол иштирок этишини таъминлаш ва ишларни самарали уюштириш мақсадида 6 та йўналиш, 35 банддан иборат асосий тадбирларнинг календарь режаси ишлаб чиқилди. Партиянинг марказий сайлов штаби таркиби, унинг вазифа ва ваколатлари аниқланиб олинди ҳамда партиянинг ваколатли вакили белгиланди.

Хусусан, партия ташкилотлари ҳузурини

да 1 та марказий, 14 та ҳудудий ва 202 та туман-шаҳар сайлов штаблари тuzилди.

Сайлов кодексининг 63-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссиясига партиянинг Президент сайловида иштирок этиши юзасидан жорий йилнинг 9 август куни расман ариза билан мурожаат қилинди.

Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 14 августдаги 1095-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Халқ демократик партиясига Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишига расман ижозат берилди.

Партияга Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибга мувофиқ, республикадаги умумий сайловчилар сонининг 1,4 фоизи ҳисобида имзо варақа бланкиси топширилди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлажак номзодни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича қўллаб-қувватловчи сайловчиларнинг имзоларини йиғиш (тўплаш) ишлари ташкил қилинди.

Партиянинг 2021 йил 6 сентябрь куни бўлиб ўтган XII қурултойида Мақсуда Азизовна Ворисова Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб тасдиқланди ва номзоднинг дастури эълон қилинди.

Шу йилнинг 9 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 64-моддаси талабларидан келиб чиқиб, Марказий сайлов комиссиясига Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб Мақсуда Азизовна Ворисовани рўйхатга олишни сўраб ариза билан мурожаат қилинди ҳамда номзодимиз 14 сентябрь куни расман рўйхатга олинди.

Партия томонидан кузатувчи ва ваколатли вакилларнинг рўйхати шакллантирилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ахборот маконидаги ўрнини мустаҳкамлаш борасидаги устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича 6 та йўналишдан иборат партиянинг медиадастури ва PR-стратегияси ишлаб чиқилди.

Ушбу стратегия доирасида қуйидаги ишлар амалга оширилди:

— партия www.xdp.uz веб-сайти ҳамда ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида фуқаролар билан алоқа қилиш тизимини замон талабига мослаштириш мақсадида бир қатор интерактив алоқа хизматлари очилди ва сайт имкониятлари янада кенгайтирилди;

— сиёсий партиялар фаолияти тўғрисида фуқароларнинг фикри ва баҳоси, партияларга нисбатан ишонч даражасини аниқлаш бўйича партия томонидан



O'zbekiston

ХДР

Xalq demokratik partiyasi

“ Партиянинг навбатдаги сайловда фаол иштирок этишини таъминлаш ва ишларни самарали уюштириш мақсадида 6 та йўналиш, 35 банддан иборат асосий тадбирларнинг календарь режаси ишлаб чиқилди. Партиянинг марказий сайлов штаби таркиби, унинг вазифа ва ваколатлари аниқланиб олинди ҳамда партиянинг ваколатли вакили белгиланди. Хусусан, партия ташкилотлари ҳузурини 1 та марказий, 14 та ҳудудий ва 202 та туман-шаҳар сайлов штаблари тuzилди. Сайлов кодексининг 63-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссиясига партиянинг Президент сайловида иштирок этиши юзасидан жорий йилнинг 9 август куни расман ариза билан мурожаат қилинди. Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 14 августдаги 1095-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Халқ демократик партиясига Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишига расман ижозат берилди. ”

10 дан ортқ мавзуларда социологик сўровлар ўтказилди, аҳоли ва жамоат фикрлари ўрганилди;

— партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши биносидан энг янги замонавий ахборот технологиялари ва рақамли ускуна-

лар билан жиҳозланган Мультимедиа маркази ташкил этилди;

— Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ташвиқот-тарғибот ишларини замонавий тарзда ташкил қилиш учун халқроқ тажрибани кенг ўрганиш ва тажрибали ҳамкорлар топиш бўйича ишчи гуруҳи тасдиқланди.

— сайловолди ташвиқотини ташкил қилишда сиёсатшунослар, PR-менежмент йўналишида фаолият олиб бораётган мутахассислар, партия фахрийлари билан муҳокама ўтказилди;

— сайловолди ташвиқотини амалга ошириш учун республика бўйича партия-мизнинг волонтерлар гуруҳи шакллантирилди, улар учун каскад усулида махсус тренинглар ташкил этилди;

— партия фаолияти ҳақида оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар, расмий веб-сайтлар орқали, шу жумладан, матбуот анжуманлари, медиатурлар ўтказиш йўли билан аҳолига мунтазам, тўлиқ ва тезкор равишда ахборот тақдим этиб бориш йўлга қўйилди.

Сайловолди ташвиқоти учун партия рамзи туширилган кўрак нишон, блокнот, ручка, шарф, кепка, номзоднинг фотосурати ва дастурининг муҳим йўналишларини ўз ичига олган флаер, номзоднинг дастуридаги 9 та муҳим йўналишни ўз ичига олган инфографика ва чўнтак календари тайёрланди.

Шуниингдек, тарғибот тадбирлари учун кичик байроқ, ўрта ҳажмдаги байроқ, номзоднинг Сайловолди дастури, фотосурати ва шиори акс этган баннерлар тайёрланди.

Алоҳида айтиш керакки, номзод Сайловолди дастурининг Брайль ёзувидаги шакли ҳам имконияти чекланган фуқаролар учун нашр этилди.

Номзодга сайлов кампаниясини ўтказишда ёрдам бериш, жойларда тарғибот ишларини олиб бориш учун 15 нафар ишончли вакил танланиб, МСҚ томонидан рўйхатга олинди ва гувоҳнома-лар берилди.

Сайловолди ташвиқотида маҳалла, корхона ва ташкилотларда, ишлаб чиқариш объектларида номзод ва унинг ишончли вакиллари томонидан сайловчилар билан учрашувлари ташкил этилмоқда.

Бунда номзод вилоят марказларида, ишончли вакиллар эса маҳаллабай кесимда учрашувларни амалга оширмоқда.

Ўзбекистон ХДПдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод ва унинг 15 нафар ишончли вакили томонидан сайловчилар билан учрашувлар, партия фаоллари томонидан турли тадбирлар ва акциялар ташкил этиляпти.

Сайловолди ташвиқоти ишлари давом этмоқда.

Фирдавс ШАРИПОВ,
Ўзбекистон Халқ демократик партияси
Марказий Кенгаши раиси ўринбосари.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД МАҚСУДА ВОРИСОВАГА ОВОЗ БЕРИНГ!




2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясининг амалга оширилиши парламент нигоҳида

Аҳоли бандлиги ва меҳнат муносабатлари соҳасида




Меҳнат органлари томонидан кўрсатилган хизматлар



Аҳоли бандлиги ва меҳнат муносабатлари соҳасидаги устувор вазифалар

1. Ўзбекистон Республикасининг «2021–2030 йилларда аҳоли бандлигига қўмаклашиш стратегияси»
2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг янги таҳрири
3. 2022–2026 йилларда профессионал таълим олиш ва касбга ўқитиш концепцияси
4. «Меҳнат миграцияси тўғрисида»ги Қонун


Ишсиз фуқароларни касбга ўқитиш (сонда)



Қонунчилик палатасининг аҳоли бандлиги ва меҳнат муносабатлари соҳасидаги парламент назорати



Ташкил этилган ўқитиш муассасаларининг сони



Мавлуда ХУЖАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси раиси.

лариди, шунингдек, Қонунчилик палатасида фракциялараро деббатларда тушган тақлифлар ишчи гуруҳи томонидан кенг таҳлил қилинди ва айрим тақлифлар инобатга олинди.

Мамлакатимиз бой меҳнат ресурсларига эга бўлиб, ҳар йили меҳнат бозорига минглаб ёшлар кириб келади. Уларнинг бандлигини таъминлаш, жамиятга фаол интеграциялашишга қўмаклашиш доимий эътибор ва узуқсиз саъй-ҳаракатларни тақозо этади.

Шундан келиб чиқиб, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш орқали ишсизликни камайтириш, оилага фаровонлигини ошириш бўйича кўплаб амалий ишлар бажарилмоқда.

Хусусан, бандлик ва меҳнат муносабатлари соҳасига оид қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Биргина «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги Қонунда соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, жумладан, иш ўринлари ташкил этилишини рағбатлантириш ва аҳоли бандлигига қўмаклашиш, ишсиз шахсларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш, ишсизликни камайтириш чораларини кўриш каби бир қатор вазифалар белгилаб берилди.

Қонун қабул қилиш жараёнида ҳоризонт давлатларнинг бандлик ҳамда ишга жойлаштиришга оид қонунчилик тажрибаси ҳар томонлама ўрганилди ва қиёсий таҳлилдан ўтказилди. Республика ҳудудларида иш беворчилик, соҳа ходимлари ва маҳаллий Кенгаш депутатлари иштирокида лойиҳа юзасидан ўтказилган жамоатчилик муҳокама-

лариди, шунингдек, Қонунчилик палатасида фракциялараро деббатларда тушган тақлифлар ишчи гуруҳи томонидан кенг таҳлил қилинди ва айрим тақлифлар инобатга олинди.

Қонунда белгиланганидек, меҳнат органлари билан тузилган шартномалар асосида аҳолини ишга жойлаштиришга қўмаклашишга доир ишчи бажарувчи жисмоний шахслар, яъни ишга жойлаштирувчи агентлар амалиётга киритилмоқда. Уларга ишсиз аҳолини ишга жойлаштиришда қўмаклашишига учун Ўзбекистон Республикаси Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан белгиланган миқдорда рағбатлантирувчи хусусиятга эга тўловлар амалга оширилади. Соҳада бажарилган ишлар натижасида иш билан банд бўлмаган аҳолига кўрсатилган хизматлар тўрт баробар ошди.

Энг муҳими, сўнгги йилларда жами 1 миллион 200 минг фуқаро ҳақ тўланадиган жамоат ишларида жалб қилинди. Уларнинг иш ҳақи тўлови учун Жамоат ишлари жамғармасидан 1 триллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Меҳнат бозоридида бандликка қўмаклашишнинг янги инструментлари жорий этилиб, Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан 13 турдаги субсидиялар ажратилиши амалиётга йўлга қўйилди.

Қисқа вақт ичида (2019 — 2021 йиллар мобайнида) 113,8 минг нафар ишсиз, кам таъминланган, айниқса, учта

дафтар («темир дафтар», «аёллар дафтари», «ёшлар дафтари»)га киритилган оила аъзоларининг бандлигига қўмаклашиш учун 251,4 миллиард сўм субсидия маблағлари ажратилди.

Шунингдек, ишчи касблар бўйича кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, ўқув жараёнларини амалиёт билан боғлаган ҳолда ташкил этиш, ишсиз аҳоли, жумладан, ёшлар ва хотин-қизларда замонавий касб ва тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришда ҳамда касбларга ўқитиш тизимида туб ўзгаришлар амалга оширилди.

Хусусан, «Ишга марҳамат» мономарказида жаҳонда тан олинган «World Skills International» халқаро асоциацияси тавсиялари асосида ўқиш ташкил этилди. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тасарруфида 30 та касб-ҳунарга ўқитиш маркази, 136 та касб-ҳунарга ўқитиш маскани, 16 та «Ишга марҳамат» мономаркази фаолиятга йўлга қўйилди, меҳнат бозоридида талаб юқори бўлган 71 турдаги касблар, тадбиркорлик кўникмалари ва ҳорижий тиллар бўйича ўқитиш тизими йўлга қўйилди.



САЙЛОВДА АЁЛЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Тадбирда Конституция-мизда хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлиги ҳамда фуқароларнинг ўз хоши-иродасини эркин билдириши, умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқлари асосида янги овоз бериш каби сайлов ҳуқуқларини амалга оширишнинг асосий принциплари мустақамлангани ва ушбу нормалар 2019 йилда қабул қилинган Сайлов кодексига тўлагила-рича ўз ифодасини топангилгига ҳам ургу берилди.

Қолаверса, Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияда ҳам хотин-қизлар барча сайловда, ҳеч қандай камситиларсиз, эркаклар билан тенг шартда овоз бериш ҳуқуқи мустақамланган бўлиб, ушбу мейёрлар миллий қонунчилигимизда қатъий белгилаб қўйилган.

Очиқ мулоқотда хотин-қизларнинг Ватан тақдирига дахлдорлик ҳиссини кучайтириш орқали Президент сайлови жараёнида фаол иштирок этишини таъминлашда кенг жамоатчилик билан биргаликда ҳаракат қилиш, айниқса, хотин-қизлар жамоатчилиги кенга-шларининг маҳалла, қишлоқ ва овул, шаҳар ва туманларда аёлларнинг сайловда иштирокини кучайти-ришга қаратилган тадбирларни юқори савияда давом эттириш зарурлиги ҳам айтиб ўтилди.

Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.

ДАРЁ ЎЗАНИ ЎЗГАРИШИГА КИМ АЙБДОР?

Самарқанд вилоятида ўтказилган назорат тадбири натижасида 2020 йилда 148 та қонунбузарлик ҳолати аниқланган бўлса, 2021 йилнинг ўтган даврида бу кўрсаткич 182 тани ташкил этмоқда. Тошкент вилоятида эса жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида бу борада 32 та ҳолатда 93 миллион сўм миқдорда маъмурий чоралар қўрилган ҳамда 10 та ҳолатда белгилан-маган тартибда қазиб ишлари олиб борилган сабабли ҳуқуқий баҳо бери-ш учун вилоят прокуратурасига тақ-дим қилинган.

Илгирликда қонун ижросини ўрга-ниш жараёнида амалга оширилган ижобий ишлар билан бирга, вилоят-ларда соҳада йўл қўйилган камчилик-лар борлиги қайд этилди. Жумладан, туман ва шаҳар ҳудудларидаги мав-жуд сув объектларининг муҳофаза доирасини белгилаш тўғрисида ша-ҳар ва туман ҳокимларининг қарор-лари қабул қилинмаган.

Жомбой туманидан оқиб ўтувчи Зараф-шон дарёсида фаолият олиб бораёт-ган тадбиркорлик субъектлари томони-дан дарёдаги қум-шағалларнинг тар-тибсиз олиниши натижасида дарё ўза-ни 5-6 метрга тушиб кетган. Энг ёмони, «Зарафшон» миллий табиат боғи тўқай-зорларига ва ҳайвонот дунёсига катта зарар етказилган. Бу ҳолат бугунги кун-да кенг жамоатчиликнинг ҳақли эъти-розларига сабаб бўлмоқда.

Норуда қазилмалар, хусусан, қум-шағал материалларни ҳисобга олиш асбоб-ускуналари, қон ва қарьерлар-га оид зарур барча ахборотни онлайн режимда киритиш, сақлаш, мунтазам таъминлаш ҳамда мониторинг қилишни янгилайдиган янги тизим тўлиқ жорий этилмаган. Авариялар, тошқин, сел ва табиий офатлар натижасида вайрон бўлган объектларни тиклаш гу-руҳларининг моддий-техника базаси етарли бўлмагани сабабли, талафот-лари ўз вақтида бартараф этишда муаммолар юзага келмоқда.

Илгирликда белгиланган вазифа-ларни тўлиқ амалга оширишда Эко-логия ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси олдига тур-ган долзарб вазифалар, истиқбол-даги режаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Яқунда белгиланган чора-тадбир-ларни самарали амалга ошириш юза-синдан қўйи палата кўмитасининг те-гишли тақлиф ва тавсиялари ишлаб чиқилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

МАҚСАД — НАРХ-НАВО БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида кўриб чиқилган мазкур ҳужжатда бир қатор янгиликлар ўз аксини топан.

Қонун лойиҳаси 3 та моддадан иборат бўлиб, Солиқ кодексига қатор қўшимчалар киритишни ўз ичига олган. Хусусан, лойиҳада гўшт (мол, қўй, товуқ), тирик ҳайвонлар (қорамол ва парранда) ва уларни сўйиш махсуслотларини, қорамол ва парранда музлатилган баликни олиб киришда ва реализация қилишда ҚҚС бўйича имтиёзлар берилиши назарда тутилмоқда.

Шунингдек, гўшт (мол, қўй, товуқ), тирик ҳайвонлар (қорамол ва парранда) ва уларни сўйиш махсуслотларини, қорамол ва парранда музлатилган баликни олиб киришда ва реализация қилишда ҚҚС бўйича имтиёзлар берилиши назарда тутилмоқда.

Мажлисда депутатлар бозорларни гўшт, қорамол ва бошқа махсуслотлар билан узуқсиз таъминлаш ва нархлар барқарорлигини сақлаш аҳолининг осуда, тўқин турмуш кечиришига хизмат қилишини айтиб, қизғин муҳокама ва савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳасини қабул қилди.

МОЛИЯ ВАЗИРИГА СЎРОВ ЮБОРИЛДИ

Хабарингиз бор, 2020 йилдан бошлаб Давлат бюджетни ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари қонун билан тасдиқланмоқда. Давлат бюджетни тўғрисидаги қонун лойиҳаси, ўрта муددатли давр учун фискал стратегия Олий Мажлис Қонунчилик палатасига юборилишидан олдин жамоатчилик муҳокамаси учун махсус порталга жойлаштирилмоқда.

Шаффофлик ва очиқликни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар натижасида жамоатчилик назоратини кучайтириш, бу орқали дав-лат органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга, аниқ чоғда коррупциявий ҳолатларнинг олдини олишга эришилди.

Шу билан бирга, айрим вазирлик ва идоралар томонидан бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлашга етарли даражада эътибор қаратилмапти. Масалан, расмий веб-сайтларда Бюджет кодексининг тегишли моддасида ва «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни тўғрисидаги Қонуннинг 14-моддасида назарда тутилган бюджет жараёнининг очиқли-гини таъминлаш бўйича маълумотлар жойлаштирилмаган.

Юқориди ҳолатлардан келиб чиқиб, вазирлик ва идо-раларнинг бюджет ижроси жа-раёнида маъсулиятини яна-да оширишга қаратилган чо-ралар қўриш, хусусан, бюджет жараёнининг очиқлиги ва шаф-фофлигини таъминлашга оид

Мунисхон КАРИМОВА («Халқ сўзи»).

БОЖХОНА ТИЗИМИ ИСЛОҲОТЛАРИ тадбиркорлар ва аҳолига қулайликлар яратмоқда

Аниқроқ айтилган бўлса, кейинги йилларда божхонага доир норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ва бунда турли бюрократик нормалардан воз кечиш, божхона тартиб-таомилини автоматлаштириш орқали тартибни содда-лаштириш, ҳалол тадбиркорларга ишонч билдириш, божхона органлари инфратузилмасини яхшилаш, замона-вий ва илгор ахборот-коммуникация технологияларини соҳага кенг татбиқ этиш, ходимлар малакасини ошириш ҳамда ижтимоий ҳимоясини мустақам-лаш каби омиларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса амалда ўз са-марасини бераптир.

Эътиборлиси, мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан 10 дан ортиқ руҳсатнома ҳужжатлари бекор қилин-ди. Божхона расмийлаштирувчи ҳуж-жатлар фақат электрон кўринишда, шубҳа бўлган тақдирда, уларнинг ас-л-нуска сўраб олиниши мумкинлиги бел-гилаб қўйилди. Расмийлаштирув жара-ёнидаги ҳужжатлар салмоғи қисқарти-рилиб, божхона постларида юришиб кел-линг барча китоблардан воз кечилди. Энг муҳими, божхона органларига ҳар қил турдаги хисоботларни тақдим этиш талаблари бекор қилинди.

22 минг 465 тага етгани эътиборга молик. Яна бир жиҳати шуки, бу йиллар оралиғида божхона органларининг иш ҳажми ўсгани ҳолда, ходимлари сони деярли ўзгармаган. Бу, албатта, ти-зимга замонавий ахборот-коммуника-ция воситалари кенг татбиқ этилаёт-гани билан боғлиқ. Расмийлаштирув жараёнидаги тўлиқ автоматлаштирилди, хусусан, божхона юк декларациясини автоматик рўйхатга олиш, автоматик тақсимлаш жорий этилди. Олдинлари бу жараёнда 2-3 соат вақт кетиб, бир неча ҳизмат китоби юритилар эди. Хозир эса 1-2 дақиқа кифоя қилмоқда. Асосийси, бу коррупцион ҳолатларнинг олдини олишда кўл келяпти.

Божхона расмийлаштируви жараён-ларининг рақамлаштирилиши, солиқ қўйиш камайтирилиши ҳамда индивиду-ал тусдаги имтиёзлар бекор қилини-ши ҳисобига божхона тўловлари ўсиш суръати қулайлашгани соҳанинг яна бир ютуғидир. Хусусан, 2017 йилда Давлат бюджетига 7,6 трлн. сўм унди-рилган бўлса, 2020 йилда 24,7 трлн. сўм божхона тўлови ундирилган. Бу кўрсаткич жорий йилнинг биринчи ярмида 15 трлн. сўмини ташкил этди.

Тадбиркор ҳалол бўлса, унга бож-хона расмийлаштируви чоғида қатор энгиликлар тақдим этилаётганини ҳам мамнуният билан айтмоқчимиз. Яъни улар божхона тўловини 60 кундан 180 кунгача бўлган оралиқда тўлаши мумкин. Ҳалол тадбиркорлар юшари умуман экспертизадан ўтказилмасли-ги натижасида ўртача 5 кунгача вақт-ни тежашга эришиляпти.

Бундан ташқари, ҳалол экспортёр-ларнинг юкларини янги жорий этилган автарасмийлаштирув ахборот тизими орқали декларациялаш йўлга қўйилди. Натижа эса шунга яраша бўляпти. Ма-салан, жорий йилнинг биринчи ярмида 2,5 миңдан зиёд декларациялар орқал-ди 45 млн. долларлик товарлар ана шу янги тизим орқали расмийлаштирилди.

Қутбидин БУРХОНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Мудофаса ва ҳавфсизлик масалалари кўмитаси раиси.

ЎЗБЕКИСТОНДА ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ ЯНГИ СИЁСИЙ МУҲИТ ВА ҚОНУНЧИЛИК АСОСИДА ЎТМОҚДА

Маълумки, сайловлар демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, халқ ўз хоҳиш-иродасини билдириши, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларидаги иштирокнинг асосий шаклидир. Танлов, рақобат имконияти бўлмаган жойда эркин ва адолатли сайлов ўтказишнинг имкони йўқ. Шунинг учун ҳам халқроқ ҳужжатларда давлатлар эркин ва адолатли, барча учун тенг шaroитлар яратилган, очик ва ошкоро сайлов ўтказиш мажбуриятини ўз зиммаларига олган.

Сайловларни ўтказиш демократия, қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ўзаро боғлиқлигига таънади. Қонун устувор бўлмаган жамиятда инсон ҳуқуқи ҳам, халқ ҳокимияти ҳам бўлмайд.

Ўзбекистонда сайловларнинг самарали ва мустақкам ҳуқуқий асоси яратилган бўлиб, унда сайловлар ҳар беш йилда ўтказилиши, фуқароларнинг хоҳиш-иродаси эркин билдирилиши кафолатлаб қўйилган. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланган.

Хусусан, Конституцияда белгиланганидек, фуқароларимиз давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадир. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади. Сайловлар умумий, тенг ва тўридан-тўри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ун саккиз ёшга тўлган фуқаролар сайлаш ҳуқуқига эга.

Такомиллаштирилган қонунчилик

2019 йилда Сайлов кодекси қабул қилинди. Утган икки йил давомида эса ушбу кодекс янада такомиллаштирилди. Жорий йилнинг 8 феврал кун қабул қилинган "Сайлов қонунчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар қилиш тўғрисида"ги Қонун ҳам шулар жумласидандир. Қонунга биноан участка сайлов комиссиялари фаолиятини таълуқли айрим нормалар янада мустаҳкамланди.

Ҳўш, киритилган ўзгартиришлар нималарда кўринадими? Буни эса кўйидагича изоҳлаш мумкин.

Биринчидан, кодекснинг 25-моддасига биноан участка сайлов комиссияси аъзоларининг яримдан кўпи битта ташкилотдан тавсия этилиши мумкин эмасди. Аммо шифохоналар, дам олиш уйлари, ҳарбий қисмлар, мамлакатимизнинг чет эллардаги дипломатик ваколатхоналари каби муассасаларда, уларнинг қатъий ички тартиб-қоидалари талабларидан келиб чиққанда, сайлов участкаси аъзоларини бундай тартибда тузиш қийинлиги аён.

Шу сабабли, охириги ўзгартиришга асосан, Сайлов кодексининг мазкур моддаси учинчи қисми кўйидаги тахрирда баён этилди: "Участка сайлов комиссияси аъзоларининг яримдан кўпи битта ташкилотдан тавсия этилиши мумкин эмас, бундан Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурда, ҳарбий қисмларда, санаторийларда ва дам олиш уйларида, бошқа стационар давлолаш муассасаларида, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум қилиш жойларида ташкил этилган участка сайлов комиссиялари мустасно".

Иккинчидан, Сайлов кодексининг чет давлатларда истиқомат қилиб турган Ўзбекистон фуқароларини дипломатик ваколатхоналарнинг консуллик ҳисобида бўлиши ёки бўлмағлигидан қатъи назар, сайловчилар рўйхатига киришти тартиби, хорижий мамлакатларда сайловчи ватандошларимиз гавжум яшайётган ёки ишлайётган жойида кўча кўчалар орқали овоз беришнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди.

Хусусан, 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурда тузилган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказувчи 37 давлатдаги 54 та участка сайлов комиссиясининг шахсий таркиби тасдиқланди.

Бундан ташқари, Сайлов кодексига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига сайловга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш бўйича мутлақ ваколатлар берилган. Бундай мақом сайловни ташкил қилиш ва ўтказиш жараёнида қонунийликни таъминлаш, сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиши учун зарур шарт-шaroитлар яратишга хизмат қилади.

Эеро, қонунчиликка кўра сайлов комиссиялари мустақил ҳисобланади ва фақат

қонунга бўйсунди. Ҳокимият тузилмалари, жамоат бирлашмаларининг сайлов комиссиялари фаолиятига аралашшига ҳар қандай уринишлар тақиқланади.

Фуқаролик жамияти институтларининг роли

Демократик сайловларни инсон ҳуқуқлари, сўз ва ахборот эркинлиги, уюлиш ҳуқуқи кафолатларисиз тасаввур қилиш мумкин. Ушбу ҳуқуқларнинг таъминлини сайлов кампанияси самарадорлиги ҳамда сайловчининг эркин ва онгли равишда қарор қабул қилишининг асоси ҳисобланади.

Бу борада нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти ҳамда уни ташкил қилиши ўз ичига оладиган фуқароларнинг уюлиш ҳуқуқи муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда ННТ сайлов кампаниясининг фаол иштирокчиси сифатида сиёсий тадбирнинг очик ва ошкоролигини таъминлаш омилига айланган.

Биринчидан, бугун улар сайлов жараёни барча иштирокчисининг ҳуқуқий ҳамда электорал маданиятини ошириш бўйича кенг миқёсда ишларни бажармоқда. Улар қаторига "Демократия ва ҳуқуқ" институти, "Барқарор ривожланиш" маркази, "Оқсалиш" умумийлик ҳаракати, "Тараққиёт стратегияси" маркази ва бошқалари киришти мумкин.

Иккинчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, Ёшлар иттифоқи, Ногиронлар жамияти, Волонтерлар ассоциацияси ва бошқа шу каби нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари округ ва участка сайлов комиссиялари таркибида Президент сайловига тайёргарлик қилиш ҳамда уни ўтказиш тадбирларида фаол қатнашмоқда.

Масалан, округ сайлов комиссиялари аъзоларининг 24 фоизи ННТ вакиллари бўлиб, улар орасида комиссия раислари, раис ўринбосарлари ва котиблари ҳам бор. Участка сайлов комиссиялари таркибида нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолларининг жами улushi қарийб 30,5 фоизни ташкил қилмоқда.

Учинчидан, сайлов жараёнида жисмоний имконияти чекланган шахсларни кенг жалб этиш, хусусан, сайлов комиссиялари аъзоллигига киришти мақсадида шу йил 25 май кун Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон ногиронлар жамияти, Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси,

Ўзбекистон қарлар жамияти ва Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти билан келишув битимлари тузган ва бу борада ҳамкорликда ишлар олиб бормоқда.

Тўртинчидан, Волонтерлар ассоциациясининг аъзолари ва бошқа ННТ вакиллари (жумладан, қасаба уюшмалари, спорт турлари ассоциациялари аъзолари) сайлов кампаниясини ташкил этиш, хусусан, комиссиялар жойлашадиган биноларни танлаш ва жиҳозлашни мониторинг қилиш, сайловчилар рўйхатларини шакллантириш, сайловчиларни овоз бериш кўни, жойи ва вақти ҳақида хабардор қилишда, фуқароларга сайловларнинг аҳамияти борасида тушуниришлар бериш ва унда фаол иштирок этишга жалб қилишда сайлов комиссияларига яқиндан кўмаклашиб келади.

Шу ўринда мамлакатимизда аҳолининг кенг қатлами томонидан қўллаб-қувватланаётган мустақил ва барқарор нодавлат нотижорат ташкилотлари тизими яратилган, десак, муболага бўлмайди. Бугун улар сайловларни адолатли, ҳаққоний ҳамда ҳалол ўтказишнинг, очиклик ва ошкоролиқнинг гарови бўлиб қилмоқда.

Бу юртимизда нодавлат нотижорат ташкилотларини ривожлантириш йўлида демократик ислохотларнинг ёрқин натижасидир. Албатта, мазкур ислохотлар мамлакатимиз ривожланишининг ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда, тизимли, изчил ҳамда босқичма-босқич амалга оширилди. Бинобарин, жамият ва давлат қурилишининг барча жабҳасидаги демократлаштириш ҳамда модернизациялаш жараёни аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онги юксалишига туртки бермоқда.

Очиклик ва ошкоролик

Президент сайловининг очиклиги ва ошкоролигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Сайлов даврида оммавий ахборот воситалари фаолияти, асосан, қўйидаги йўналишлар, яъни сайловларни ўтказишда ташвиқот қилиш, сайлов комиссияларининг фаолиятлари натижалари овозидан жамоатчиликни хабардор қилиб бориш, жамоатчилик назоратини қуришти орқали амалга оширилди.

Оммавий ахборот воситалари нафақат сайлов кампаниясининг бориши тўғри-

сида сўнги янгиликларни тақдим этиш, балки сайловда иштирок этаётган номзодларнинг сиёсий қиёфасини яратиш ва ўзгартириш, сайловчиларнинг сиёсий қизиқишини уйғотишда ҳам улкан имкониятларга эга.

18 октябрга қадар Марказий сайлов комиссияси томонидан 1 миң 439 та маҳаллий ва 233 та хорижий оммавий ахборот воситалари аккредитациядан ўтказилди. Демак, Ўзбекистонда Президент сайлови маҳаллий ва хорижий аудитория эътиборида қамида 1 миң 672 рақурдан ёритилади. Бу эса мамлакатимизнинг халқроқ майдонда ва жаҳон ҳамжамияти назарида юртимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг халқроқ андоза ва талабларга тўла ҳамоҳанг эканини синондан ўтказувчи жараён ҳисобланади.

Шу боис сайловлар, авваламбор, Конституцияимиз мезонлари ва принциплари, сайловга оид қонунчиликка биноан эркин, очик ва ошкоро, ҳолисона ва ҳалол, қисқача айтганда, сайловчиларимизнинг эркин хоҳиш-иродасини намоён қилидиган тарзда ўтишида, энг аввало, ушбу жараёни ёритишда оммавий ахборот воситалари муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса ўрнида айтганда, 2021 йилги Президент сайловининг мустақил Ўзбекистон тарихида аҳамияти чексиз. Сабаби, сўнги беш йилда Ўзбекистоннинг янгилашган ички ва ташқи сиёсати самараси ўлароқ жамиятда аввал кузатилмаган очиклик ва шаффоқлик, эркин муокама маданияти шаклланиб бораётган ҳамда фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий онги ошиб, улар ўз позициясини очик билдираётган муҳит шаклланди. Президент сайлови эса мамлакатда мавжуд сиёсий партиялар жонлини, жамиятда партиялароқ рақобат юзага келаётган, аҳоли уларнинг бир-биридан гавий-мафқуравий фарқини ажратиб, Сайловдаги дастури бўйича ўзининг фикрини, кези келганда танқидий қарашларини билдириб бораётган шaroитда ўтмоқда.

Ишонч билан айтиш мумкинки, 24 октябрь кун бўлиб ўтадиган сайлов Ўзбекистон Республикаси тарихида янги саҳифа очиб беради.

Абдуқодир ТўЛАГАНОВ,
«Тараққиёт стратегияси» маркази
бош мутахассиси.

21 октябрь — «Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинган кун

Тил — миллат ўзлиги ва қадриятларининг кўзгусидир. Уни асраб-авайлаш, тақдир ҳамда истиқбол ҳақида қайғуриш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Бу йил мамлакатимиз бўйлаб ўзбек тилига «Давлат тили» мақоми берилганлигининг 32 йиллиги кенг миқёсда нишонланади.

МИЛЛАТ БОЙЛИГИ

Мирзо Улуғбек туманидаги 27-умумтаълим мактабида Республика Маънавият ва маърифат маркази Мирзо Улуғбек тумани бўлими томонидан ушбу сана муносабати билан «Ўзбек тили — халқ қадриятидир» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Унда Республика Маънавият ва маърифат кенгаши узрадаги «Маърифат» тарғиботчилар жамияти аъзолари, профессор-олимлар, ёшлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирни Мирзо Улуғбек тумани ҳокимининг Ёшлар сибасати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлари бўйича ўринбосари Фузайлон Ҳошимов очди. Сўнгра тадбир иштирокчилари ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши нафақат соҳа вакиллари, балки бутун маърифатсевар халқимиз ҳаётида чинакам тарихий воқеа бўлганини, она тилимиз, миллий адабиётимизнинг нуфузини ошириш, ун ўрганиш ва тарғиб этишни янги босқичга кўтаришни эътироф этди. Мустақиллик йилларида ўзбек тилини асраб-авайлаш, бойитиш, ривожлантириш ва нуфузини юксалтириш йўлида амалга оширилган улкан ишлар ҳусусида сўз юритди.

— Тил — халқ маънавий бойлиги, инсонларни миллат сифатида бирлаштирувчи, халқнинг ўзлигини намоён этувчи қудратли кўч. — дейди Республика Маънавият ва маърифат маркази Мирзо Улуғбек тумани бўлимиаси бош мутахассиси Насриддин Ботиров. — Тарихга юзланадиган бўлсак, таассуфки, мустабид тузум даврида миллат руҳи, ғурури бўлиши ўзбек тилининг маквени пасайтиришга уринишлар кўп бўлган. Миллат оидини, маърифатпарвар адиб Абдулла Қодирий «Ўзбек тили камбағал тил эмас, балки ўзбек тилини камбағал дегувиларининг ўзи камбағал. Улар ўз нодонликларини ўзбек тилига тўнкамасинлар», деган ҳитоби билан ўтмишнинг аччиқ ситамларини ифода этди. Собиқ иттифоқ даврида она тилига бўлган беписандликка қарамай, халқимиз ўз миллий тилини сақлаб қолди. 1989 йил 21 октябрь кун қабул қилинган «Давлат тили ҳақида»ги Қонунга мувофиқ, ўзбек тили давлат тили, деб эълон қилинди. Мустабид тузум даврида ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим соҳаларидан четлатилган ўзбек тили бугун нафақат миллий маконда, балки жаҳоннинг нуфузли миёнбарларидан ҳам баралла янграмоқда.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ
(«Халқ сўзи»).

КЕЛАЖАК ОЛИЙҒОҲЛАРИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Шунга мувофиқ янги Ўзбекистоннинг яқин истиқбол мўлжалланган ривожланиш стратегиясида ҳам илм-фани ривожлантириш, инсон тафаккури ва дунёқарашини ўзгартириш, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар самарасини ҳар бир оила, инсон мисолида яққол намоён бўлишига эришиш устувор вазифа сифатида белгиланди. Бундан нафақат юртимизда, балки бутун дунёда «Фикр — дунёни бошқаради», «жамиятнинг ақлий салоҳиятини юксалтириш келажак учун энг катта инвестиция», деган тушунар тобора кенг қулоч ёзмақда.

Айни жараёнда мамлакатимизда олий таълим тизимида ҳаётга татбиқ этилаётган ҳаётбахш ислохотлар эътиборга сазовордир. Юртимизда жаҳоннинг энг ривожланган давлатлари тажрибаси асосида олий таълимни ривожлантиришнинг ула устувор йўналиши белгиланди. **Биринчиси**, олий таълим муассасаларига молиявий, академик, кадрлар танлаш ва бошқарувда мустақиллик берилиши билан боғлиқ. **Иккинчиси**, янги ўқитиш тизимини жорий этишни назарда тутди. **Учинчиси**, олий таълимнинг жозибадорлигини оширишга қаратилган.

Шу маънода, бугун олий таълим муассасаси раҳбари нафақат етуқ олим, балки менежер, маркетингни ривожлантириш бўйича ҳам илмий, ҳам ҳаётий тажрибига эга бўлиши лозим. Ҳар бир олий ўқув даргоҳининг ўз устувор стратегиясини белгилаб олишда хориждаги нуфузли илмий марказлар, дунё рейтингинда 1000 таликка қирган олий таълим муассасаларида орттирилган тажрибалар ва мамлакатимиз олийгоҳлари фаолиятининг танқидий таҳлилларига таянган ҳолда иш қуришимиз зарур. Бундан олий таълим муассасасининг фаолият диверсификациясини таъминлаш, молиявий барқарорликка эришиш учун турли илгор механизмлар излаш талаб этилади. Шу нуқтаи назардан, тўплаган тажрибалар асосида Фарғона политехника институтининг стратегия йўналишларини ишлаб чиқишда иккита механизм тақлиф қилинди. Инвестицияларнинг жалб қилишнинг биринчи механизми — «спин-офф» корхоналарини очиш бўлса, иккинчиси — «эндаумент фонд»ни ташкил этишдан иборат.

«Спин-офф» корхоналари олий таълим муассасасидан ажралмаган ҳолда, олийгоҳ профессор-ўқитувчилари ёки талабалари томонидан илгари сурилган, инновация гоя ва ишланмаларни халқ хўжалигига жорий этувчи ишлаб чиқариш объектларидир. Тасаввур қилинг, биргина Массачусетс технология институтининг атрофида 35 миңдан ортиқ «спин-офф» компаниялар мавжуд бўлиб, йиллик айланмаси дунёнинг 13 давлати ялпи ички

маҳсулоти билан тенг. АҚШ, Германия, Франция, Италия, Буюк Британия, Жанубий Корея сингари мамлакатларнинг дунё рейтингига етказиб бўлган олий таълим муассасалари инновациялар, илмий ишланмаларни



ҳаётга татбиқ этиш орқали йиллик умумий даромадининг 25 — 30 фоизини ишлаб топади. Эътиборлиси шундаки, ушбу натижаларга эришиш учун йиллик даромадининг 20 фоизи яна қайта илм-фанга йўналтирилади, инфраструктурани яхшилашга сарфланади.

«Эндаумент фонд» — институти қошида ташкил этилган мақсадли фонд — хайрия жамғармаси бўлиб, у ҳамкор ишлаб чиқариш корхоналари, битирувчилар ҳамда менешлар молиявий ажратмаларидан ташкил топади. Тўплаган молиявий маблағни ОТМнинг ўқув ва илмий инфраструктурасини яхшилаш, инновация лойиҳаларини амалга оширишга жалб қилиш мумкин. АҚШдаги нуфузли олий таълим даргоҳлари (мисол учун Аризона давлат университети)нинг «эндаумент фонд»и 983,8 миллион долларга тенг) фаолиятини ўрганилганда, йиллик даромадининг 25 фоизгача қисми ушбу фондлар ҳисобидан шаклланиши аниқланади.

Шунингдек, дунё рейтингига юқори ўринларни эгаллаб келаётган олий таълим муассасалари худудининг ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига ҳам жуда катта таъсир қўрсатади. Боиси бундай таълим даргоҳларининг илмий гояларни тижоратлаштиришга ихтисослаштирилган мингглаб «спин-офф» компаниялари ташкил этилган. Айтайлик, Италиянинг Турин политехника институти дунёнинг брэнд мақомига эга автомобиль, машинасозлик компанияларининг илмий-амалий марказларини фаолият қўрсатади. Назарий ва амалий билimler ўзаро уйғунлаштирилиши натижасида мазкур марказлар фаолияти орқали олий таълим муассасаси йиллик даромадининг 15 фоизгача миқдорига эришади.

Юқорида келтирилган механизмларнинг асосий вазифаси нафақат ин-

вестиялар жалб этиш, балки таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини амалга ошириш, унинг ортдан эса институт ўқитувчи ва ходимларининг иш ҳақини кўтариш, таълим ва илм инфраструктурасини яхшилаш, пировардда олий таълим муассасасида таълим сифатини оширишдан иборатдир.

Ҳозирги кунда Фарғона политехника институтининг илмий салоҳияти 26,8 фоиз бўлиб, 2025 йилга қадар ушбу кўрсаткични 52,5 фоизга етказиш режалаштирилди. Шу мақсадда 8 та факультет, 31 та кафедра бўйича алоҳида илмий режалар дастури ишлаб чиқилди. 2021 йилнинг ўзида 20 га яқин DSc ва PhD докторлик диссертациялари муваффақиятли ҳимоя қилинди. Хориж ва юртимиздаги нуфузли олий таълим муассасаларида фаолият олиб бorgan 8 нафар профессор ишга жалб этилди.

Институтнинг илмий салоҳиятини юксалтириш учун Америка, Европа, Осиё китъасидаги ўндан ортиқ олий таълим даргоҳлари билан таълим, илм-фан, кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳамкорлик қилишга келишиб олинди. Берлин техника университети, Турин политехника университети, Томск политехника университети, Жанубий Кореянинг Гёнсанг миллий университети, Питтсбург университети, Қозоғистоннинг Ал-Форобий номидаги миллий университети шулар жумласидандир.

Биз эндиликда худуднинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланиши учун ҳам маъсулимиз. Шу сабабли институти кафедралари Фарғона вилоятининг йирик саноат, ишлаб чиқариш, кластер корхоналари, тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорлик шартномаларини имзоламоқда. Айни жараёнда биргина шу йилнинг ўзида 148 та хўжалик шартномаларини бажариш орқали қарийб 8,5 миллиард сўм жалб қилинди.

2021 йилда институтда 19 та илмий-тадқиқот лойиҳаси амалга оширилди режалаштирилган бўлса, уларнинг 4 таси давлат илмий-техник дастурлари, 4 та стартап, Европа Иттифоқининг 2 та лойиҳаси, шунингдек, «Бўлажак олим» танлови доираида 9 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилади. Бу йил Инновация ривожланиш вазирилик томонидан 14 та лойиҳа молиялаштирилиши мақсад қилинган. Институтнинг ўз маблағлари ҳисобидан профессор-ўқитувчиларимизнинг 10 та лойиҳаси учун 5 миллиард сўм ажратилиши кўзда тутилган.

Ҳозирги кунда 31 та кафедра ҳузурда илмий-тадқиқот марказлари ташкил этилиб, даромад топиш учун барча шароит яратилапти. Жорий йилда

институтда илмий ва инновация ишлаб чиқариш ҳамда соҳаларга хизмат қўрсатиш учун мўлжалланган 10 та унитар корхона фаолияти йўлга қўйилди. Айни пайтгача эса 6 та унитар корхона ташкил этилди. Институтнинг тижоратлаштириш бўлими томонидан эса ўқув-ишлаб чиқариш, илмий инновация марказ, технопарк лойиҳасини амалга ошириш ишлари изчиллик билан олиб борилапти. Айтайлик, кимё-технология факультетида Фарғона вилояти худудларининг табиий-иқлим, ер ва тупроқ шaroитидан келиб чиқиб, истиқболли экинлар экиш, бир йилда 3-4 марта таба ҳосил олиш бўйича илмий тадқиқотларга киришилди.

Қурилиш факультетида муаллифлик ва техник назорат, геодезия ва ер кадарати соҳаси мутахассислари малакасини ошириш, муҳандислик коммуникациялари, электромеханика ўқув курслари ташкил этиш бўйича тайёргарлик ишлари якунига етказилди. Ишлаб чиқаришда бошқарув факультетида тадбиркорлик асослари, бизнес-режа ва инвестиция лойиҳалари тузиш, менежмент лабораторияси, инновация менежмент, бухгалтериянинг янги стандартлари бўлими йўналишларда марказлар фаолияти йўлга қўйилди.

Фарғона водийси вилоятларининг иқтисодий, инвестициявий ва тадбиркорлик салоҳиятини янада ривожлантириш мақсадида яқин истиқболда «Институт — марказ — илмий тадқиқот — ишлаб чиқариш» тизими узвийлигини таъминлайдиган технопарк мажмуаси ташкил этилади. Қурилиш-бунёдкорлик ишлари сифатини жаҳон андозаларига мувофиқлаштиришга кўмаклашиш учун Қурилиш матери-аллари ва конструкциялари синов лабораторияси, бино ҳамда иншоотлар техник ҳолатини ўрганиш ўқув-ишлаб чиқариш, илмий инновация маркази фаолияти йўлга қўйилди. Компьютерларни моделлаштириш, автоматлаштириш, стандарташ, сертификациялаш ва метрология илмий-ўқув маркази фаолияти вилоятимиз иқтисодий таълим муаммоларини ҳал этишга қаратилди.

Хулоса ўрнида айтганда, бугун мамлакатимиз олий таълим тизими ривожланишининг янги босқичига дадил қадам қўяётган бир пайтда, Фарғона политехника институти илмий жамоаси ҳам яқин йилларда мамлакатимиз ва дунё рейтингларида муносиб ўрин эгаллаш орқали ислохотлар жараёнида фаол иштирок этишни мақсад қилган.

Ўқтам САЛОМОВ,
Фарғона политехника институти
ректори.



Шу йилнинг 24 октябрь кунини мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови бўлиб ўтади. Ушбу сиёсий тадбир Ўзбекистон халқи ва унинг келажиги учун муҳим аҳамиятга молик воқеалик ҳисобланади.

ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ УЧУН ОВОЗ БЕРАМИЗ

Юртимиздаги демократик ўзгаришлар, хусусан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси, сўз эркинлигини таъминлаш, давлат органлари фаолиятининг шаффоқлиги, демократиянинг асосий тамойилларига тўлақонли риоя қилиниши нуфузли халқроқ ташкилотлар томонидан ҳам юқори баҳоланаётган.

Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига асосан, юртимизда «Давлат — инсонлар учун» шiori остида давлат бошқарувининг адолатли ва самарадор тизими яратилди.

Халққа бевосита хизмат қилиш давлат органларининг устувор тамойили этиб белгиланди. Бунинг натижасида эса илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ҳамда санъат соҳалари туддан ислохот қилинди, аҳоли бандлиги қўрсаткичлари бир неча баробар ошди, аёллар ва ёшларга ҳамжўрлик янги босқичга кўтарилди.

Иқтисодийнинг эркинлаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, давлат ҳамда жамият қурилиши, хусусий мулк дахилсизлигини таъминлашга қаратилган дастурлар изчил амалга оширилди. Ўзбекистонда тиңчилик ва барқарорликни, аҳолининг маданий-маърифий савиясини юксалтириш, миллиятлароқ дўстлик ҳамда ҳамжihatлиқни мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли ташқи сибасати олиб бориш бўйича улкан ишлар урдаланди.

Энг муҳими, камбағалликни қайтайтириш ва халқимизни рози қилиш давлат сибасати даражасига кўтарилди. Ушбу муаммо бўйича ўзига хос ёндашув